



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2009 йил, 8 май, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 92 (11.403)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат музыка театрида Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.
- Чуст шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган «Ёшлар сайли» маърифий тадбири давомида туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу ярмаркада 39 та ташкилот, корхона ва муассаса 300 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбир давомида 115 нафар йигит-қиз ишли бўлишди.
- Шўрчи туманидаги 68-маҳсус мактаб-интернатга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан замонавий компьютер тўплами, тикув машиналари, дурадгорлик ускуналари ва бошқа зарур жиҳозлар топширилди.
- Тошкентда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан медиа кунлари ташкил этилди. Жаҳон матбуоти эркинлиги кўнига бағишланган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган 150 га яқин нодавлат телестудияларнинг раҳбарлари ва ёш журналистлар иштирок этди.
- Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида япон тилида нотиклик санъати бўйича 13-танлов бўлиб ўтди. Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистондаги япон тили ўқитувчилари жамияти, инсон ресурсларини ривожлантириш ўзбек-япон маркаси ташкилотчилигида ўтказилган мазкур танловдан мақсад Япония ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида маданий алмашувни чуқурлаштириш ва минтақада япон тилини ўқитишни ривожлантиришдир. Танловда 22 нафар талаба иштирок этди.
- Термиз шаҳрида одам савдосига қарши кураш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбарлари, ҳудудий комиссиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Бозор иқтисодий шароитида харидорлар маҳсулот тайёрлаб буюртмачилар талабини адо этиш учун, албатта, замонавий технологик линиялар ва дастохлар қувватидан унумли фойдаланиш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Кичик бизнес

РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ана шу асосда иш юритаётган ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотларнинг рақобатбардор турлари кўпайиб, буюртмачиларни жалб этмоқда. Натijaда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Пойтахтимизда тадбиркорлар



учун яратилган кенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда 2006 йилда иш бошлаган «ANTALIYA TEKSTIL» маъсуляти чекланган жамиятида ҳам ўтган қисқа даврда маҳсулот турлари ортиб, харидорлари сафи ҳам кўпаймоқда. Албатта, бу борада корхона цехларида меҳнат қилаётган малакали мутахассисларнинг, бугунги кун талабига жавоб бераётган хорижий дастохларнинг ҳиссаси катта.

— Юртимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қув-

ватлашга жуда катта эътибор қаратилган, — дейди корхона раҳбари Алишер Мирзахўжаев. — Шу боис ҳам уларнинг иқтисодий-технологик линиялар ва дастохлар қувватидан унумли фойдаланиш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Яқин келгусида хориждан юк-сак унумли ва тежамкор ускуналарни келтириб, ишлаб чиқариш цехларимизни жиҳозлашни режалаштиряймиз. Корхонада асосан маҳаллий хом ашё — юртимиздаги корхоналарда тайёрланаётган трикотаж матоларидан фойдаланган ҳолда эркаклар ва ўсимлар учун ички ҳамда усти кийимлар тайёрланади. Айниқса, айни кунларда харидор дид ва талабини ҳисобга олган ҳолда чеварлар маҳорати билан тиклаётган эркаклар кўйлак ҳамда футболкалари чиройли дизайни, бирмунча ар-

зонлиги билан ажралиб туради. Шу қунгача 100 фоиз пахтадан тайёрланаётган маҳсулотлар тури 50 хилдан ортиб кетди. Бу борада дизайнер-модельерларнинг изланиш ва маҳорати қўл келмоқда. Улар айни кунларда ўнлаб янги моделлар яратишмоқдаки, бунда албатта, харидор талаби, эҳтиёжи ҳисобга олинади. Хозирда ойига 8 минг донна турли хил трикотаж кийимлари тикиби, буюртмачиларга етказиб бераётган тадбиркорлар келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, корхонани кенгайтириш ниятида.

Утган йилдан бошлаб корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтиришни кўзда тутган ҳолда аҳолига яна бир қўлай жиҳат тури йўлга қўйилди. Яъни миқозлардан кийим-кечаклар тикиш ҳамда таъмирлаб бериш бўйича буюртмачилар қабул қилинмоқда. Бундай буюртмаларнинг тез ва соф адо этилаётгани эса миқозлар сафини оширмоқда.

Корхона ахли ўз олдида қўйган мақсадга эришиш, яъни ички бозорга импорт ўрнини боса оладиган маҳсулотлар етказиб бериш йўлида тинмай изланмоқда. Албатта, янги дастохларга эга бўлиш ҳамда уларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш маҳсулот сифати ва турларини ошириб, ривожланишда муҳим омил бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: чеварларнинг ҳамма аъло кайфият билан меҳнат қилишлари сифатли маҳсулот тайёрлашда муҳим ҳисса бўлмоқда.
Ҳақимжон Солиқов олган суратлар

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: чеварларнинг ҳамма аъло кайфият билан меҳнат қилишлари сифатли маҳсулот тайёрлашда муҳим ҳисса бўлмоқда.
Ҳақимжон Солиқов олган суратлар

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: чеварларнинг ҳамма аъло кайфият билан меҳнат қилишлари сифатли маҳсулот тайёрлашда муҳим ҳисса бўлмоқда.
Ҳақимжон Солиқов олган суратлар

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: чеварларнинг ҳамма аъло кайфият билан меҳнат қилишлари сифатли маҳсулот тайёрлашда муҳим ҳисса бўлмоқда.
Ҳақимжон Солиқов олган суратлар

9 май – Хотира ва қадрлаш кўни

Пойтахтимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш кўнига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.



КЕКСАЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

«Нуроний» жамғармаси раиси Э.Боқибоев Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида юртимизда уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуг кишиларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Айни пайтда халқимиз маънавиятини юксалтириш, миллий аънава ва қадрларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ёш авлод маънавияти, тафаккурини бойитиш, йигит-қизларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ишида нуронийларимиз фаол иштирок этмоқда.

— Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-тиббий кўмак бериш масаласига катта эътибор қаратилаётганидан бехад мамнунмиз, — дейди меҳнат фахрийси Фафур Шамсиев. — Бу ишларга бевосита раҳнамолик қилаётган Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Учрашувда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокчида концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Ақбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Кисса сатрларда

● БУГУН Мирзо Улугбек туманидаги 120-мактабда 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган маънавий-маърифий тадбирда ўқувчилар, фахрий педагоглар иштирок этти.

● БУГУН Ҳамза туманида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Фахрийларни қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЕИХ туман бўлимлари ҳамкорликларида Хотира ва қадрлаш кўнига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Ёш оилалар келажак пойдевори» деб номланди.

зилган маънавий-маърифий тадбирда туман фаоллари, иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ва қатнашчилари, ёшлар иштирок этти.

● БУГУН Миробод туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан маданият уйлари бадий ҳаваскорлик жамоалари вакиллари иштирокчида уюштирилган тадбирда Фуркат маданият ва истироҳат боғида 9 май — Хотира ва қадрлаш кўнига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Ёш оилалар келажак пойдевори» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Кён ДЖЭ МИН: ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг мамлакатимизга давлат ташрифи арафасида ЎЗА МУХБИРИ УШБУ МАМЛАКАТНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ Кён ДЖЭ МИН билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболи ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик?
— Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини жуда қадрлайди. Зеро, улкан иқтисодий салоҳиятга эга Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида муносиб ўрин эгаллаб, ўзи танлаган тараққиёт йўлидан огишмай бораётир.

Жанубий Корея Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИГИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Туркменистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шерзод Файзиев мамлакат Президенти Гурбангули Бердимухамедовга ишонч ёрлигини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Президент Гурбангули Бердимухамедов Туркменистон билан Ўзбекистонни нафақат жуғрофий яқинлик, балки азалий тарихий илдизлар, маданият, тил ва маънавий аънаваларнинг умумийлиги ҳам боғлаб туришини кайд этди. Туркменистон раҳбари туркман ва ўзбек халқлари бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро алоқалар зами-

ЖАҲОНДА

- Россия АҚШга Эрон билан алоқаларни барқарорлаштириш юзасидан ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.
- Жанубий Африка Республикасида янги президент сайланди. Мамлакат парламенти «Африка миллий конгресси» партияси етакчиси Жейкок Зумани ушбу лавозимга лойиқ кўрган. Овоз бериш жараёнида 277 нафар депутат Зума номзодини қўллаб-қувватлаган.
- Бугун жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари ташкил этилган кун кенг нишонланмоқда.
- Ҳиндистонда кўп босқичли тарзда ўтказилаётган парламент сайловлари барбод бўлиш арасида. Зеро, кеча рақобатчи партиялар фаоллари ўртасида рўй берган тўқнашувлар натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди.
- Грузия суди томонидан муҳолифат етакчиларидан бири К.Кабаладзе икки ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди.
- Исроил ҳукумати жорий йилнинг январь ойида Ҳазо секторидан амалга оширилган ҳарбий амалиётлар учун БМТга 11 миллион АҚШ доллари миқдоридан тоvon пули тўлаш лозим бўлади. Мутахассислар ҳарбий амалиётлар давомида ҳудудда жойлашган қочқинларга кўмак кўрсатиш бўйича БМТ қoшидаги ташкилотга етказилган моддий-маънавий зарарни шу миқдорда белгилашди.
- Дунёдаги энг улкан «А-380» русумли йўловчи самолёти ишлаб чиқарувчи «Airbus» авиаконцерни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли буюртмачиларга етказиб бериши керак бўлган ҳаво лайнерлари сонини қисқартирмоқда. Маълумотларга кўра, мазкур концерн жорий йилда 18 та ана шундай самолёт тайёрлаб бериши лозим эди. Бироқ, мавжуд шароитни эътиборга олган мутасаддилар фақат 14 та ҳаво кемаси етказиб беришга қарор қилишди. Зеро, кейинги вақтларда дунёдаги авиаконцернларда йўловчи ташиш ҳажми кескин камайиб кетган.
- Жорий йилнинг 24 апрелидан 1 майига қадар АҚШда нефтнинг тижорат захиралари 1 миллион баррелга камайган.
- Европа Иттифоқининг ижроия органи бўлган Еврокомиссия иттифок мамлакатлари иқтисодиётида кузатилаётган рецессияни қитъанинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарихидаги энг катта пайсаий деб баҳолади. Расмий Брюсселнинг маълумотига кўра жорий йилда евроҳудудга кирувчи 16 мамлакатнинг ялли ички маҳсулоти 4 фоизга қисқаради.

«Жаҳон» АА

9 май — Хотира ва кадрлаш куни

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДР ТОПМОҚДА

Ўтганларнинг хотирасига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш энг олий қадриятларимиздан саналади. Ўтган аждодларимиз, халқимизнинг буюк инсонлари хотирасини ёд этиш, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш барчамизнинг бурчимиздир.



Чилонзор туманидаги Катта Дўмбиробод маҳалласи идорасига кирсам маҳалла раиси Абдуҳаким Муталов билан оқсоқол маслаҳатчиси Асил ака Шосолиҳов ўзаро суҳбатлашиб ўтиришган экан.

Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашганимизда икки киши кириб, шу маҳаллада яшовчи бир оилдан уларнинг кизига совчи юборишгани, шу оила ҳақида билиш учун келишганини айтишди. Шунда ўтирганлар беихтиёр «Ҳозир Маҳмадхон ака бўлганларида эди» деб ўйлаб қолишди. Уйга келиб бу киши ҳақида хотираларимни қозоғга туширдим. Мен Маҳмадхон ака билан шу маҳаллада бирга ўсганман. Маҳмадхон Файзиев маҳалладаги мактабда 10-синфини битириб, Низомиёв номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида ўқиб, (ўша пайтда институт эди) ўзи ўқиган мактабга ўқитувчи бўлиб келган. М.Файзиев ишчанлиги билан тез вақт ичида халқ ўртасида обрў қозонди. Тажриба орттирди.

МАҲАЛЛА ИШЛАРИГА КАМАРБАСТА ЭДИ

1957 йилда Тошкент шаҳри жанубий-ғарбий томонга кенгайди, шу пайтда бу жойда «Дўмбиробод» маҳалласи ташкил этилиб, Маҳмадхон Файзиев маҳалла котиби вазифасига сайланди ва бу лавозимда 52 йил ишлади.

Котиб М.Файзиев «Дўмбиробод»даги барча кўчалар, кўп қаватли уйлар, улардаги хонадонларда яшовчи каттадан кичикки яхши таниб олган эди. У маҳаллада котиблик билан бирга, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тузилган 9 та комиссиялардан бири — ёшлар билан ишлаш комиссиясига бошчилик қилган. Ўқитувчи бўлгани учунми, маҳалла ёшларини яхши биларди, уларга меҳрибон эди.

Маҳмадхон ака ободончиликни севарди. У ҳашарлар ташкилотчиси эди. Ҳар куни икки марта ёнидан ўтадиган болалар боғининг кўркамлиги, озода сакланишини доимо назорат қиларди.

М.Файзиев маҳаллага 43 йил раислик қилган Усмон Абдуллаев билан бирга маҳалла аҳлини ижтимоий ҳимоялашни тавминлаш йўлида тинмай меҳнат қилди. Яқин йилларгача дўмбирободликлар Бешёғочдаги нон заводи дўконига боришарди. Маҳалла оқсоқоли ва котибининг саъй-ҳаракати билан бу ерда замонавий нон заводи (савдо дўкони билан) қурилди. Унинг махсуслигини фақат дўмбирободликлар эмас, кўшни маҳаллалардан ҳам келиб олишмоқда.

Маҳалладаги фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тузилган комиссияларнинг қайси бири оқсаб қолса Маҳмадхон ака ўша ишга кўмаклашарди. Бошланган ишни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик, зудлик билан охирига етказиш унинг одати эди.

— Мен мактабда Маҳмадхон акада ўқиганман. Устоз бизга ўзбек тили ва адабиётиндан дарс берганлар. Менга саводли ёзишни ўргатганлар, — дейди «Катта Дўмбиробод» маҳалласининг ҳозирги оқсоқоли Абдуҳаким Муталов. — Мен ўтган йил февралда шу маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасида ишлашман. Маҳмадхон ака билан атиги саккиз ой бирга фаолият кўрсатдим. Лекин улардан кўп нарсани ўргандим. М.Файзиевнинг одамларга муомаласи, маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятининг кўп қирраларини билиши мен учун ҳамма қўлланма бўлди.

Камтарин ва ўз ишининг билимдони Маҳмадхон Файзиевни маҳалланинг каттаю кичиги яхши томондан эсламоқда. Зеро, элга хизмат қилган инсонлар номи ҳеч қачон унутилмайди.

Йўлдош МАНСУРОВ, меҳнат фахрийси, журналист



Ўзбек миллий рақс санъатига асос солган, сахна маликаси номини олган сеvimли санъаткоримиз Мукаррама Турғунбоевнинг номини нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам яхши билишадди, унинг жозибали рақсларидан ҳайратга тушмаган, қалби жунбушга келмаган санъат ихлосманди бўлмаса керак. «Баҳор» ансамбли ҳақида гап кетганда, энг аввало кўз олдимизда элимизнинг сеvimли раққосаси, ўзбек рақс санъатининг улугвор чўққисини эгаллаган Мукаррамахоним Турғунбоевнинг қиёфаси гавдаланади. Маълумки, опа ўзбек миллий рақс санъати мактабини яратган санъаткорлардан бўлиб, жуда кўп шоғирлар тайёрлаган.

Куни кеча Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, маданият ва спорт ишлари Юнусобод туман бўлими ҳамда Мукаррама Турғунбоева номидаги маданият уйи ташаббуси билан Юнусобод теннис корти мажмуасида Мукарра-

ма Турғунбоева хотирасига бағишлаб хайрия концерти бўлиб ўтди. Тадбир аввалида сўзга чиққан элимизнинг таниқли санъаткорлари, опанинг шоғирдлари Х.Лутфуллаев, Қ.Миркаримова, М.Эргашева, З.Мадраҳимова, Н.Мадраҳимова ва бошқалар устозлари Мукаррамахоним ҳақида ҳурмат билан гапириб, илиқ хотираларидан сўзладилар.

— Мукаррама опа билан «Баҳор» ансамблида ишлаган пайтларимизнинг ўзи бир китоб бўлади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев. — Опа бизни худди ўз фарзандларидай кўриб, ўзгача бир меҳр билан эъозлардилар. Устознинг шоғирд камолотидаги роли ва ўрни ҳақида гапирадиган бўлсам, албатта, биринчи навбатда Мукаррама опанинг менга кўрсатган чекиз меҳрмуҳаббати, устозлик эҳтироми ва сабоқларини эслашман. «Мен севмаман, сен севсанми» номли кўшиғимни илк бор айтиб халққа танилган бўлсам, шундан кейинги деярли барча кўшиқларимнинг яратилишида Мукаррама опанинг

у ёки бу даражадаги иштироки бўлган. Опа ўзларининг самимий маслаҳатлари, таклифлари билан кўшиқларимнинг сайқаланишига катта ҳисса қўшардилар. Мени санъатнинг ойдин йўлига олиб чиққан мўътабар инсон Мукаррама опа то умрларининг охиригача дамларига қадар ҳам тажрибали устоз, ҳам меҳридарё она, ҳам ҳаққўй дўст сифатида менга қўлдош бўлиб турдилар. Мукаррама опанинг шарофатлари тўғрисида «Баҳор» ансамбли билан биргаликда деярли бутун ер кўрасини кезиб чиқишдек эзгу бахт насиб этди менга. Устозимнинг руҳлари шод бўлсин.

Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган хайрия концертида бағишланган хайрия концертида элимиз севган санъаткорлар, опанинг шоғирдлари, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ўзларининг дилбар кўшиқлари, жозибали рақслари билан йиғилганлар қалбига бир олам хуш кайфият улашдилар.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: хотира кечасидан лавҳалар.

Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар

ЎТГАНЛАР ХОТИРЛАНИБ, ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Куни кеча «Нуроний» жамғармасининг Собир Раҳимов туман бўлими томонидан Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан тумандаги уруш ва меҳнат фахрийларининг Хотира майдони ва Қатагон қурбонлари музейи билан танишуви уюштирилди.

— Ҳар йили туманимиздаги меҳнат ва уруш фахрийлари Хотира ва кадрлаш куни олдидан кўчма ва навқирон Самарқанд шаҳри ёки улуг қадамжоларимизга саёҳатга олиб борилади, ёш авлод вакиллари билан учрашув ва тадбирлар уюштирилиб ҳурмат-эъзат кўрсатилади, — дейди биз билан суҳбатда туман «Нуроний» жамғармаси раиси Аҳмад Хожаяев. — Бу йил ҳам ушбу анъанадан келиб чиққан ҳолда фахрийларимиз билан биргаликда ўтганлар руҳини ёд этиб муқаддас қадамжоларимизни зиёрат қилиб келдик.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийлари билан Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети талабалари ва коллежлар ўқувчилари иштирокида катта тадбир ўтказилди. «Камолот» ЕИҲ

туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу учрашувда сўз олган туман имом хатиби Иброҳим Узоқов, туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Рихисий Назаров ва бошқалар бугунги тинч-осуда, фаровон кунларимиз учун жон фидо қилганлар руҳи олдида ҳамиша қарздор эканлигимиз, уларни ёдга олиш ҳамда ҳар қанча таъзим бажо этсак арзиши, шунингдек, бу кунларнинг қадрига етиш ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги ҳақида тўхталиб ўтидилар.

Инсон азиз, хотира муқаддас, ўтганларни ёд этиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, мана шу масъулият ҳеч кимни тарк этмасин, балки умримиз мазмунини безашга хизмат қилсин.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Тошкент Давлат техника университети ҳамкорлигида мазкур олий ўқув юртида иқтидорли талабаларнинг анъанавий фан ҳафталиги бўлиб ўтди.

Олий ўқув юртларида ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАН ҲАФТАЛИГИ

Ҳафталик доирасида университетда Республика олий ўқув юрти талабаларининг «Келажак овози» республика танловининг «Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинацияси ғолиблари ва университет иқтидорли талабаларининг малакаларини оширишга қаратилган семинар-тренинг ўтказилди. Бу йилги семинар, давра суҳбатларида, унинг қатнашчиларини ТошДУнинг етук олимлари, илмий мактаблари, лабораториялари, кафедраларининг синов-тажриба майдонларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари ҳамда унинг натижалари билан танишиб чиқишлари, интеллектуал салоҳиятининг баҳолаши, илмий изланишлари натижаларининг таҳлил қилинишида интеграция ва инновацион жараёнларнинг самардорлигига эътибор қаратилди. Унинг қатнашчиларига сертификатлар топширилди.

Фан ҳафталиги доирасида «Фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрни» мавзусида иқтидорли талабаларнинг анъанавий Республика илмий-амалий анжумани ҳам бўлиб ўтди. Анжуманга иқтидорли талабаларнинг фундаментал фанлар, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, электроника, автоматика ва ахборот технологиялари, механика-машинасозлик, авиасозлик, энергетика ва энергия тежамкорлиги, нефть ва газ, санъат экологияси, геология ва кончилик иши, ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва менежменти йўналишлари бўйича 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот ишлари тақдим этилди.

Анжуманда рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар бўйича иқтидорли талабаларнинг «Энг яхши маъруза» танлови ҳам ўтказилди. Унда ҳар бир йўналиш бўйича тақдим этилган ишларнинг долзарб ва

илмий жиҳатдан талаб даражасида бўлиб совриндор деб топилганлари университетда нашр қилинаётган «Техника юлдузлари» илмий журналининг махсус сонларида ва бошқа илмий тўпламларда нашр этишга тавсия этилди.

Иқтидорли талабаларнинг «УзЭКСПО Маркази»да ташкил этилган «Инновацион ғоялар ва ишланмалар» республика ярмаркасида қатнашдилари, у ерда бўлиб ўтган давра суҳбатлари фан ва техникада ўзлари танлаган йўналишлари бўйича, фан асосларини эгаллашларида, илмий-тадқиқот ишларида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Анжуманинг охириги мажлисида қабул қилинган қарордан тадқиқот ишлари олиб бораётган талабаларнинг ишларидаги самардорликни ошириш мақсадида «Устоз-шоғирд» тизимини янада такомиллаштириш, семинарлар ўтказиш, илм-фанда эришган натижаларни амалиётга қўлашга янада кенгроқ шароит яратиш, иқтидорли ёшларни давлат бюджети томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар ва ҳўжалик шартномалари бўйича бажарилаётган илмий ишларга жалб этиш, тадқиқот ишларини кенг қўламада олиб боришлари учун замонавий компьютер ва ахборот алмашиш тизимидаги Интернет алоқалари тармоғидан фойдаланишлари ва лаборатория базасидан фойдаланишга имкониятларини янада кенгайтириш, керакли илмий адабиётлар билан таъминлаш ўрин олган. Шунингдек, университетда қатор йиллар давомида тўпланган тажрибага суяниб, танлов асосида иқтидорли талабаларни аниқлаб қўшишча равишда хорижий тиллар, Ўзбекистон тарихи, ахборот технологиялари ва интернет йўналишида билимларини қучурлаштириш учун гуруҳлар ташкил қилиш тавсия этилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Қарор ва ижро ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Чилонзор туман ҳокимлигида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг Чилонзор туман ахборот-маслаҳат маркази «Ўзстандарт» агентлигининг Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси билан туман солиқ инспекцияси, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳамкорлигида ўқув-семинар ўтказилди. Мазкур тадбир юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришга оид қарор ва Фармонлар ижросини таъминлашга бағишланди.

Семинарни кириш сўзи билан очган «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдуҳамид Абдуқодиров (Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»-ги, «Метрология тўғрисида»-ги, «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги ҳамда «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»-ги Қонунлар ижросининг таъминлаши хусусида тўхталди.

Шунингдек, семинарда сўз олган Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси Чилонзор тумани бўлими раиси Темурбек Шомуродов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчи-

лик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорини ҳаётга татбиқ қилиш ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси Чилонзор туман ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Саидзода Муҳимов ҳамкорлар мададага суянган ҳолда тадбиркорлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан қонун доирасида иш юритиш ҳақида тўхталдилар.

Ўқув семинарда сўзга чиққанларга тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган кўпбақ саволларни бериши қониқарли жавоблар олишди. Ўқув семинар якунида қатор амалий таклифлар киритилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Кён ДЖЭ МИН: ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон — Корея муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилганини мамнуният билан таъкидлашни истар эдим. Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги икки мамлакатнинг ўзаро муносабатлари янада юксалтиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2008 йилнинг февраль ойида Сеулга ташриф буюриб, янги сайланган Президент Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этди. Икки мамлакат раҳбарлари Пекинда ҳам музокара ўтказдилар.

Жанубий Корея Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

— Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг ташрифидан қандай натижалар кутилмоқда? — Мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида қарор топган мустаҳкам дўстона муносабат ва ҳамфикрлик ўзаро ҳамкорлигимизни янги поғонага олиб чиқишда муҳим омили бўлмоқда. Президент Ли Мён Бак қатла делегация, жумладан, йирик фирма ва компаниялардан вакиллар — кўплаб ишбилармонлар ҳамроҳлигида келмоқда. Мазкур ташриф ўзаро муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлиши, шубҳасиз.

Ташриф асосида икки давлатнинг кўплаб соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. Ишончим комилки, ушбу ташриф Ўзбекистон — Корея алоқалари кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга, мамлакатларимизнинг имкониятларини кенгроқ ишга солишга хизмат қилади.

— Ўзаро ҳамкорлигининг қайси йўналишларини устувор, деб биласиз? — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларда, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада жаддал тараққий этмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2008 йили бир миллиард АҚШ долларида ошганининг ўзиёқ Ўзбекистон — Корея иқтисодий ҳамкорлиги ривожланаётганига мисол бўла олади. Ўзбекистонда корейлик ҳамкорлар билан ташкил этилган уч ордан зиёд кўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, енгил сановат, металлургия қайта ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётир. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг етмишдан зиёд компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Дунёда иқтисодий инкироз ҳим сураётганига қарамай, Ўзбекистонга Президент Ли Мён Бак билан бирга кўплаб ишбилармонлар ҳам келаётгани мамлакатингиздаги иқтисодий барқарорлик ҳамюртларимизнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга қизиқишини тобора ошираётганидан далолат беради.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам жаддал ривожланоқда. Икки мамлакат ҳамкорлигида Ўзбекистонда автомобилсозлик сановатига асос солинганлини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Алоқаларимиз нефть-газ, энергетика, машинасозлик, савдо, сановат, таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги, электротехника каби соҳаларда ҳам жаддал равишда топаётгани эътиборга молик.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар ривожига маданий ҳамкорлиқнинг ўрнини алоҳида қайд этишни истар эдим. Хусусан, жорий йил 20-22 апрель кунлари Тошкентда Корея Республикаси маданияти фестивали бўлди. Фестиваль доирасида турли маданий тадбирлар, жумладан, корей фильмлари намойиши ва «Туркистон» саройида ўзбек ва корей санъаткорларининг қўшма концерти ташкил этилди. Корейлик созанда ва хонандалар Самарқандда ўтказиларган «Шарқ тароналари» халқро мусика фестивалида мунтазам қатнашиб келаётгани халқларимизнинг маънавий яқин ҳамда бир-бирининг қадрият ва маданиятига ҳурмати юксак эканидан далолатдир.

Ўза муҳбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.

Иқтисодиёт ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСМОҚДА

Четдан келтириладиган сифатли маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган кўплаб товарларнинг айни пайтда юртимизда тайёрланаётгани, бундай зарур маҳсулотларнинг нархи бирмунча арзонлиги харидорларни мамнун этмоқда.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «ELIT POLIMER» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона Буюк Британия давлати билан ҳамкорликда ташкил этилган. Иш бошлаганига уч йил бўлган ушбу жомоада айни пайтда 50 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, уларнинг изланишлари самараси ички ва ташқи бозорда харидорнинг топаётган полипропилен қувурлари ҳамда ПВХдан тайёрланаётган сантехника жиҳозларида аксини топмоқда.

— Махсулотларимизни Туркия технология жиҳозлари ўрнатилган цехларимизда Жанубий Корея, Хитой, Россия, Туркиядан келтирилган хом ашёдан фойдаланиб тайёрлаймиз, — дейди директор ўринбосари Олесь Корюкина. — Тайёрланаётган полипропилен қувурларимиз 50 йил хизмат кўрсатиш қафолат мuddатига эга. Шунингдек, лозимки, ушбу маҳсулот биринчидан зангламайди, иккинчидан ичида қўйқа йиғилмайди ва энг муҳими, ўрнатишга қўлайдир. Ҳозирда биз маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаямиз. Шу боис ҳам маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланишга ҳаракат қилаяёмиз. Бу тайёрлаётган товар таннархини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этиб, миқозларимиз сафини янада кенгайтиради. Келгусида эса замонавий технологиялардан фойдаланиб маҳаллий хом ашёдан тайёрланган полипропилен қувур ҳамда сантехника жиҳозларини экспорт ҳам қилаёмиз.

Жорий йилда тадбиркорлар Россиядан замонавий технология линия келтириб, маҳсулот турларини кўпайтиришни режалаб қўйишган. Яна шуниси ҳам эътиборлики, бу билан қўшимча иш ўринлари яратилишига ҳам эришилади.

Нозима АКРОМОВА



Дунё адабий ҳаёти

МАРКЕС ЭНДИ КИТОБЛАР ЁЗМОҚЧИ ЭМАС

Адабиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати, жаҳонга машҳур ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркеснинг адабий агенти Кармен Балселс адиб бундан кейин китоб ёзмоқчи эмаслигини эълон қилган. 82 ёшли адибнинг биографи британиялик Жеральд Мартин ҳам шундай фикрга қўшилган.

Гарсиа Маркеснинг адабий фаолиятини тўхтатиши ҳақидаги хабарлар илгари ҳам тарқалган. Эндиликда жамоатчилик сўнгги романи 2004 йилда чоп этилган адибнинг ўзидан шу хабарнинг расмий тасдиғини кутмоқда. Баъзи бир оммавий ах-

борот воситалари Гарсиа Маркеснинг адабиётдан кетиши, мухлислар энди унинг янги асарларини кўрмайдилар дегани эмас, деб ҳисоблайди. Зеро, унинг ҳали эълон қилинмаган бир қанча асарлари ҳамда, Колумбия матбуоти хабар берганидек, қарийб тугатилаётган муҳаббат ҳақидаги "Август-да кўришамиз" деган китоби ҳам бор. Мазкур китоб 2009 йили дунё юзини кўриши керак.

Гарсиа Маркеснинг Нобель мукофоти сазовор бўлган "Юз йиллик ёлғизлик" ва бошқа асарлари ўзбек китобхоналарига яхши таниш.

АГАТА КРИСТИ ОВОЗИ

Машҳур саргузашт асарлар ёзувчиси Агата Кристининг овози ёзилган кассеталар топилган. Магнит ёзувларининг умумий ҳажми 13 соатдан ошиб кетади. "Nev York Times"да чоп этилган мақолада келтирилишича, уларда Агата Кристи ўз адабий қарамони изкувар Эржоль Пуарони "ростмана худбин" сифатида тавсифлайди.

Ёзувчи овозининг бошқа ёзувлари орасида унинг 1955 йилда BBCга берган интервьюси ҳамда 1974 йили тасмага туширилган ёзув ҳам бўлиб, унда Агата Кристи I жаҳон уруши йилларида дорихонада ишлагани ва захарлар ҳақидаги билимларни ўша вақтда эгаллаганини ҳикоя қилади.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲАҚИДАГИ БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР

Россия давлат кутубхонаси ва "Ясная Поляна" қўргон-музеи биргаликда интернет-да Лев Николаевич Толстой ҳақида ягона портални ташкил этишди. Эндиликда буюк ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақидаги барча маълумотларни интернетдан топиш мумкин бўлади. www.tolstoy-nasledie.ru сайтида рус ва инглиз тилларида ёзувчининг асарлари, хатлари, қўлдан келтирилган

ригина эмас, балки унинг ноёб кўлэмалари ва фотосуратлари ҳам жойлаштирилган.

Жаҳоннинг 40 дан ортиқ тилларида чоп этилган наشرлари тўплаган адибнинг шахсий кутубхонаси эркин кира олиш имконияти яратилган. Дарвоқе, Лев Толстойнинг ўзи ҳам 13 тилни билган экан.

Музей директори Владимир Толстой ёзувчи ҳақида шундай

деган: "Толстой жаҳон тарихида энг ҳайратланарли сиймо ва шахслардан биридир. У нафақат ёзувчи сифатида, албатта у шубҳасиз буюк ёзувчи, балки воқеаларга бой ҳаёти билан ҳам инсонларни қизиқтиради. Айниқса, Толстойнинг ёшлиги гоёт қизиқарлидир. У доимо ҳаёт мазмун-моҳияти, ўз келажаги ҳақида, ҳар бир ёш фикрлайдиган нарсалар ҳусусида ўйларди".

НОДИР ҚҮЛЁЗМА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

АҚШда яшовчи бизнесмен Тимур Абдуллаев Флорида штатида жамоатчилик эътиборига нодир қўлёмани тақдим этган. Унинг таъкидлашича, бу қўлёмна Николай Васильевич Гоголь "Улик жонлар" асари иккинчи жилди дастлабки беш бобининг нодир ва энг тўлиқ қўлёмна наشريдир.

Салтиков-Шчедрин номидаги Россия миллий кутубхонаси экспертларининг ҳулосасига кўра, "ушбу қўлёмна катта тарихий-маданий аҳамиятга эга". Бизнесмен Абдуллаев, "қўлёмна Россияда икки марта – 1998 ва 2001 йилларда ҳам экспертизадан ўтганини маълум қилган. Ўшанда Россия фанлар академияси ҳужжатларни консервациялаш ва таъмирлаш лабораторияси экспертларининг аниқлашларича, қороз ва сиёҳ таркиби шундан далолат берадики, китобнинг мазкур қўлёмнаси тайёрланишига XIX асрнинг ўрталарига мансуб деб қараш мумкин. Бундан ташқари, 2003 йили унинг тарихий қимматини Christie's аукцион уйи мутахассислари ҳам тасдиқлашган.

"Улик жонлар" иккинчи жилди оққа кўчирилган тўла матнни Гоголь ёки юборгани маълум. Абдуллаевнинг айтишига кўра, умрининг сўнгги йилларида ёзувчи қамдан-кам ўз кўли билан ёзган, кўпроқ айтиб туриб ёздирган. Айнан шунинг учун ҳам китобда Гоголнинг ўзига эмас, балки бошқа турли одамларга тегишли бўлган тўрт ёки беш хил дастхатни кўриш мумкин. Шунингдек, "Улик жонлар" иккинчи жилди академик наشري билан қўлёмна ўртасида лексик ва стилистик фарқлар аниқланган.

Топилмани нега айнан ҳозир маълум қилдингиз, деган саволга қўлёмна эгаси, бу шов-шувни Гоголь таваллудининг 200 йиллигига бағишладим, деган.

Футбол оламида

ИЗЛАРИ АБАДИЙЛАШТИРИЛДИ

Бразилия терма жамоаси ҳамда "Милан"нинг ярим ҳимоячиси Рио-де-Жанейродаги машҳур "Маракана" ўйингоҳи олдидида Шон-шурат аллесида оёғи изини туширди, дея хабар қилади Рейтер агентлиги. "Мамлакат бош майдонида изларим абадий муҳрланганидан мен гоёт фахрланаман. Мен учун бу катта шараф", деган машҳур тўпсурач.Какагача "Маракана"да жаҳон футболнинг Пеле, Зико, Ромарио, Дунга, Загалло ва Франц Беккенбауэр каби юдузлари оёқ изларини қолдиришганди.



БЕКХЭМ ЭНГ БАДАВЛАТ ФУТБОЛЧИ

Sports Illustrated со футболчилар ўртасида тадқиқот ўтказган France football журнаliga таяниб билдиришича, 2008 йил якулирига кўра инглиз Дэвид Бекхэм жаҳоннинг энг юқори даромадли футболчиси деб эътироф этилган. Американинг "Лос-Анжелес Гелекси" клуби билан контракт асосида 42,7 миллион доллар миқдориди даромад қилган. Айни пайтда ярим ҳимоячи майдонда тахминан 6,5 миллион доллар ишлаб топади. Бу йил шу маблар-

нинг катта қисмини Италиянинг "Милан" клуби тўлайди. Мазкур клубда 33 яшар Бекхэм ижара ҳуқуқи асосида тўп суради.

Бекхэм ҳозирда бешинчи бор жаҳоннинг энг бадавлат футболчилари рўйхатининг бошида турибди. Иккинчи ўринни 37,7 миллион долларлик йиллик даромади билан Испания "Барселона"сининг ўйинчиси Лионель Месси эгаллаб турибди. Ундан кейинги ўринда Бекхэмнинг ҳозирги жамоадoshi — бразилиялик Роналдиньо бормоқда.

Унинг йиллик даромади 25,8 миллион долларни ташкил этган. ФИФА версияси бўйича жаҳоннинг энг яхши чарм тўп устаси Криштиану Роналду ("Манчестер Юнайтед") рўйхатнинг тўртинчи устунда бўлса, ундан кейин француз Тьерри Анри, бразилиялик Кака, швед Златан Ибрагимович, инглиз Уэйн Руни, Франк Лампардларни кўриш мумкин. Энг бадавлат тўпсурачлар ўлигининг сўнгги погонасини "Челси" ўйинчиси инглиз Жон Терри эгаллаган...

Дам олиш соатларида

Тарбия ва ахборот коммуникация омиллари

Ёш болалардан тортиб кексайиб соч-соқоллари оқарган қарияларгача ҳамма интернет хизматидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Аммо жуда қимматли кашфиёт бўлган интернет хизматидан фойдаланишда ҳам, ҳамма соҳада бўлганидек, меъёр, чегарага риоя этиш катта аҳамиятга эга. Зеро, интернет ахборот уммони чексиз-чегарасиз бўлиб, унда фарқ бўлиб кетиш ҳеч гапмас. Мутахассис тиббиётчиларнинг таъкидлашларича, интернет-аддикцияси муаммоси бугунги кунда жаҳон тиббиёт анжуманларининг энг жўшқин мавзуларига айланган.

Компьютерга боғланиб қолиш ёки бошқача қилиб айтганда, компьютер (интернет) ҳуморини ҳатто гивъандликка тенглаштириб, мажбурий даволаш чоралари қўрилатган мамлакатлар бор. Европада, жумладан, ана шу "касаллик" туфайли йигитлари армияга олма, уларни руҳшунослар назоратида даволаш курсини ўташга мажбур қилиш ҳоллари мавжуд. Ҳозир тиббиётчилар ва руҳшуносларни ахборот вампиризми деб ном олган факултада касаллик, айниқса ташвишга солмоқда.

Тиббиётчилар бир неча йилдики, интернетга боғланиб қолган одамни тавсифловчи маҳсус атама – нэгаголик (шопоголик, алкоголикка ўхшаш Netaholik) сўзини ишлатиш келишмоқда. "Нэгаголиклар даволашига муҳтож бўлган чинакам бемор кишилардир, — дея таъкидлайди австралиялик шифокор Найжел Плотт. — Беморларнинг кўпчилиги маниакал-депрессив психоз ва параноя ташхисига эга. Тармоқдан анча вақт ажралиб қолишдан аддиктлар депрессияга тушиб қолишади ёки аксинча, тажовузкорлашиб, жамият учун хавфли шахсга айланишади.

Касалликнинг илк аломатлари майда-чуйдаларда кўзга ташланади – одам кунига 5 соатдан ортиқ компьютер ўйинларини ўйнайди, компьютер олдида овқатланади, оила аъзолари ва ўзининг ташқи кўринишига эътибор бермай қўяди. Барча эрмаклардан интернет тармоғини устун қўяди".

Фарба олимлар анчадан буён болалар ва ўсмирлар руҳияти ва ижтимоий ривожига Интернетнинг хавфи ҳақида бонг уриб келишмоқда. Сўнгги тадқиқотларнинг кўрсатишича, Интернет-аддикция (Интернет ҳумори) алкоголга, гивъанд моддаларга, қимор ўйинларига ҳумор-

утбуклар харид қилишда улардан фақат ишда фойдаланамиз, деб ўйлагандик. Виртуал оламинга бошимиз билан шўнғиб кетишимиз учун икки йил умримиз кетди. Касаллик авжига чиққанда биз ташқи дунё билан алоқа қилмай қўйиб, ойлаб квартира ҳақини тўламасдик,

2. Интернетга навбатдаги чиқинси доимий сабрсизлик билан кутиш.

3. Виртуал дўстлар ва эрмакларни реалларидан устун қўйиш.

4. Ахборотларга қўмилиб кетиш – www ёки веб-серфинг орқали ахборотлар излаш доимий ҳумори.

5. Тармоқ ўйинларини ўйнашга интилиш, онлайн-аукционлар ва Интернет-дўконларга боғланиб қолганлик.

Тадқиқотчиларнинг айтишларича, Интернетга боғланиб қолганларнинг кўпчилиги мулоқотлар учун келади, лекин бора-бора барча реал кишилар ҳаётдан суриб чиқарилиб, улар ўрнини виртуаллар эгаллайди. Беморга, унинг ажойиб дўстлари бордай, ўз муҳаббатини топгандай, уйлангандай, дунёнинг нариги чеккасига саёхатга йўл олгандай туюлади... Лекин буларнинг ҳаммаси амалда эмас, унинг ҳаёлида юз беради ва буни бемор сезмайди.

АҚШда "компьютер бевалари" муаммоси кескин бўлиб турибди. Улар – виртуал ҳаёт фойдасига ҳақиқий оилага кизиқишини бутунлай йўқотган эрларнинг хотинларидир. Руҳшуносларнинг таъкидлашларича, яқин келажақда Интернет ҳумори 1-ракамли руҳий касаллик деб эътироф этилиши мумкин. Фарба ҳозирдаёқ турли хил "киберкасаликлар"ни даволовчи профессионал клиникалар пайдо бўлган, бироқ беморлар Аноним алкоголиклар даволаш муассасаларига ўхшаш иxtи-сослаштирилган Интернет-клиникаларни афзал қўришади. Беморлар руҳшунос қабулига боришмайди. Улар виртуал доктор билан мулоқот қилишади.

ИНТЕРНЕТНИНГ ТУРФА ЖИҲАТЛАРИ



Компьютер кетидан интернет-ахборот тармоғининг ихтиро қилиниши дунё бўйлаб қимматли ахборотларни тарқатишнинг энг самарали воситаси, турли билимларни эгаллашда тенги йўқ омил сифатида ҳаётимизга тобора чуқур сингиб бормоқда.

дан ҳам кучли бўлиб, уни даволаш янада қийинроқ кечади. Касаллик жуда ўтиб кетган ҳолларда нэгаголизм шизофренияга ўхшаб кетади: бемор реал ҳаётдан узилиб, қандайдир ўз дунёси билан яшай бошлайди.

Computer Economics тадқиқот марказининг энг сўнгги эълон қилган янгиликларига диққат қилинг-а:

— Европада фойдаланувчиларнинг 40 фоиздан ортиқроғи Интернетга боғланиб қолган;

— нэгаголиклар интернет тармоғида суткасига 18 соатдан ортиқ вақтларини ўтказишади;

— сайёраимизда аҳолининг 15 фоизи ахборот вампиризми ташхисига эга;

— 60 фоиз европаликлар виртуал (мавхум) дўстларини реал мавжуд дўстлари деб ҳисоблашади;

— 3 фоиз европаликлар виртуал никоҳларни устун қўради;

— АҚШда ҳар 20 турмуш ўртоғи бор аёлдан бири – "компьютер беваси".

Америкадаги клиникалардан бирида мажбурий даволаш курсини ўтаётган нэгаголик – 29 ёшли Сандранинг қўналдигидан бир парчага назар ташлаймиз: "Эрим билан мен web-дизайнерлар эдик. Ўзимизга шахсий но-

пластик идишдан овқатланардик, чунки, афтидан, биз... идиш-товоқларни ярим йилгача ҳам ювмай ишлатгандик. Ванна қабул қилмасдик, унда ҳўлланган кир буюмларимиз... бир неча ойлаб ётарди. Итимиз очликдан ўлиб кетди. Бир кун уйимизга полициячилар келишди – кўшнилариимиз бир неча ойлardan бери кўчага чиқмаганимизни пайқаб қолишганди. Бизни даволашига жўнатишди".

Питтсбург университети руҳшунослик доктори Кимберли Янг касаллик юзага келишининг қуйидаги хавотирли аломатларини келтиради:

1. e-mail-ни текшириш истагининг тинимсиз таъқиб қилиши.

Қадри ота-оналар! Интернет тармоғи, компьютер ўйинлари билан боғлиқ юқоридидаги каби хавф-хатардан огоҳ қиларканмиз, болаларингиз билан юз бериши мумкин бўлган кўнгилисиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадини кўзладик. Зеро, илмий-техник тараққиётнинг бу мевасидан фойдаланмасликнинг иложи йўқ, бусиз тараққиёт ҳам бўлмайди. Шунинг учун болаларингиз мактабдан кейин узоқ вақт интернет-кафе ва шунга ўхшаш муассасаларда қолиб кета болашдики – дарҳол олдини олинг. Зеро, фарзандларимизга навнаҳоллик пайтлариданоқ компьютер ва интернет тармоғидан фойдаланишнинг мақбул усуллари ва меъёрларини сингдириб бориш ҳам қарз, ҳам фарз. Ҳар бир неъматдан ўрнида ва меъёрида фойдаланиш ҳар жиҳатдан фарзандингиз қамоли ва келажаги ёрқин бўлишига кафолат бўлади.

Тест саволларига жавоб беринг

ЖАМОАДА ОБРҮЙИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Келинг, ўзингиз ишлаётган жамоадаги обрўйингиз ҳақидаги тасаввурингиз қанчалик ҳақиқатга яқинлигини текшириб кўрайлик. "Ха" жавоби учун 2 балл ёзсангиз, "Йўқ" жавобига умуман балл қўйилмайди.

1. Келажақ режаларини тузарканман, омадим келишига ишонаман.
2. Кейинчалик айтганларимга пушаймон бўлсам-да, суҳбат чоғида миямга келганини қайтармай, шу заҳоти ошкор қиламан.
3. Хатти-харакатларимни ҳаммиша "катталар"га хос деб бўлмайди.
4. Шундай пайтлар ҳам бўладики, ўзимга ўзим ачинаиб кетаман.
5. Базан хатти-харакатларимга ҳасад ўз таъсирини ўтказида.
6. Айтганлари нотўғри бўлса ҳам ўз гапиди туриб олиш учун ҳам бошлиқ – бош-

лиқ-да.

7. Мен қондаларга риоя этишдан кўра, ўз билганимча ҳаракат қилишни афзал қўраман.

8. Ҳеч қачон ўз зараримга ҳеч нарса қилмайман.

9. "Ўзингичи – ўзгадан яхши" нақлини жуда тўғри деб биламан.

10. Менга совға-салом қилмаганлар ва байрамлар билан қўтламаганларга ҳеч қачон туҳфалар қилмайман ва уларни табриқламайман ҳам.

Тўплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг

16 – 20 балл: обрўйингиз ногла қараб кетяпти. Ё одамларнинг сизга қандай қарашларининг сиз учун аҳамияти йўқ, ёки бошлиқ бўлганингизнинг ўзи сизни хурмат қилишлари учун етарли, деб ҳисоблайсиз. Хомтама бўлманг – бу хурмат

бўлмай, бошлиқ олдидаги кўркүвдан бошқа нарса эмас.

8 – 14 балл: атрофингиздагилар билан самимий муносабатларингиз қанча давом этса, сизнинг обрўйингиз ҳам шунча вақт ижобий бўлади. Тарафқашлик ёки можаро юзага келиши билан илгарилари кечириб келинган, эътиборга олинмай ёки тасоддиқий дея ҳисоблаб келинган ёхуд бутунлай бошқа сабаблар билан изоҳлаб келинган барча хато-камчиликларингиз, англашилмовчиликлар дарҳол кўзга ташланиб қолади. Буларнинг ҳаммаси тўплаган, қандайдир салбий қиёфани шакллантиради ва кейинчалик ўзаро муносабатларни тиклашингизга жиддий тўсқинлик қилади.

0 – 6 балл: обрўйингиз чиндан ҳам бекама-қўст. У барқарор ва фақат кўп ҳатога на обрўйингизга путур етказиши мумкин. Дарвоқе, сиз одамлар билан ўзаро муносабатларда кўп ҳатога йўл қўядиганлар тоифасидан эмассиз – сизга ҳавас қилса арзийди.

Баскетбол

ШАКИЛ ВА КОБИ ШОУЛАРИ

Бу йил ҳам Шакил О'Нил ва Коби Брайант МБА (Миллий баскетбол ассоциацияси) "Барча юлдузлари матчи"нинг энг яхши ўйинчилари сифатида эътироф этилишди. Шарқ ва Фарб конференциялари ўртасида 58-бор ўтказилган Миллий баскетбол ассоциацияси (МБА) "Барча юлдузлари матчи" беш йиллик танаффусдан кейин ўйинни биргаликда бошқарган Шакил ва Кобиларнинг Фарб жамоаси галабаси билан яқунланди.

Брайант жамоасига 27 очко келтириб, ўйиннинг энг самарали иштирокчиси бўлиб қолган бўлса, О'Нил 17 баллни ўз ҳисобига ёздирди қўйди. Ҳар икки собиқ жамоадорлар учинчи



бор MVP совринига сазовор бўлишди. Шуниси диққатга сазоворки, майдончага чиққан Шакил О'Нил Jabbawockeez хип-хоп ғуруҳи куйлари садолари остида кизгин рақсга тушиб кетди.

— Қандайдир гайриоддий, ноёб бир манзарани намойиш этишни истагандим, — деди матчдан кейин О'Нил журналистларга. — Бу — менинг "Барча юлдузлар матчи"даги сўнгги иштироким бўлиши мумкинлигини тушунаман. Шунинг туфайли ўзим учун ҳам, мухлисларим учун эсда қолдирган чиқиш қилмоқчи бўлдим.

Шундай қилиб, 1951 йилдан бери давом этиб келаётган Шарқ ва Фарб баскетболчилари ўртасидаги беллашув Фарбнинг 23-галабаси билан яқун топди.

Шундай қилиб, 1951 йилдан бери давом этиб келаётган Шарқ ва Фарб баскетболчилари ўртасидаги беллашув Фарбнинг 23-галабаси билан яқун топди.

Газетхон маслаҳат беради

ҚУВВАТИНГИЗ ОРТИБ, КАСАЛЛИК ЧЕКИНАДИ

Ҳозир об-ҳаво беқарор. Сайр қилиб келганингиздан кейин гўдақлар ва болалар дарвор аксириб қолишади. Афтидан, организм заифлашиб, салқин ҳаво таъсир этса керак. Бундай болалар оз эмас. Мен ўзим уч фарзандимни тарбиялаб катта қилдим. Эндиликда ёш оналарга маслаҳатимни аямайман.

Юқоридидаги ҳолатда менинг муолажам шундай: кечасига бир стакан сутни қиздириб, унга хом тухумни аралаштириш керак. Дастлаб тухумнинг ўзини қақиб, озгина туз ташлаб, яхшилаб аралаштириб олиш лозим. Уйқудан олдин болага унинг ярмини ичиринг. Қолганини эрта-сизга ётишдан олдин ичирини мумкин. Боланинг қуввати ортиб, тумови чекинади. Катталарга ҳам бунинг нафи бор.

Латофат МАҲМУДОВА, Сергели тумани.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХИКМАТЛАР

Сен ҳар қачон дунё оройишига алданиб, унинг жилвагар зийнатларига учма, нафсоний муродотнинг талабларини фаромуш айлаб, жисми жонингга илашиши мумкин бўлган разил иллатлару бузуқ хаёл ва фосиқ фикрлардан ўзингни мосуво қил.

Дунёвий фириб-найранг, лаззатларни ўзингга манзур этмагисен!

Қора юрак, чиркин кўнгил, бутун аъзойи баданни палид (ҳаром) қилгай!

Ул қушки, бўйнида оғир (дунёвий) юк осиглик экан, бас, қандоқ кўкка парвоз айласун?!

Ориф эмас, ул кишиким, илм ва маърифатини пулдор дунёпараст ва бадавлат одамлар олдига "дастурхон", бозор, балки хор айлагай!

Модомеки камбағалликдан кўрксанг, бас, мунофиксен!

Одоб пок одамлар зийнатидур.

Маърифатнинг чегараси — нафсдан холи бўлмоқ ва бунинг тадбири (усули) ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдур.

Такаббур — гуноҳга итоат этувчи шахсдур ва унинг тоати гуноҳдан кўра баттарроқдур ва ўзига гуноҳдан кўра зарарлироқдур.

Кимеки қилаётган амалини зоҳир, яъни намоён этгай — мунофик, риёкор, иккиюзламачидур.

Гоҳ сукунатнинг таъсири — каломдан устивор тургай!

Инсонлар фитнасида оғоҳ бўлинг инсонлар!

Бани одам табиатига хос ажойиботлардан бири шулки, ризқ-рўз топмоқ мақсадида беҳуда елиб-югургай.

Икки нарса қалбни фосид (ифлос) қилади: кўп емоқ ва кўп ухламоқ.

Ҳазрати Хожа (яъни Абдулҳолиқ Гиждувоний) р.а. дедиларки, кимеки уч нарсани дўст тутгай унинг жойи дўзахдур. Биринчи — лазиз таомларни емоққа ҳарис, иккинчиси нафис либосларни киймоққа ружу қўйган киши, учинчиси — фақир-камбағаллар суҳбатини писанд этмай, бой-бадавлатлар суҳбатини орзу этган киши. Зеро, буларнинг ҳар бири хою ҳавас ва нафс муроди ила ҳосил бўлур.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



барча ҳамшаҳарларимиз, фахрийлар ва пойтахтимиз меҳмонларини 9 май — Хотира ва қадрлаш куну билан чин дилдан қутлайди. Барчангизга тинчлик-омонлик, бахт ва саодат тилайди. Дилингиз чароғон, йўлларингиз равон бўлсин.



Спорт янгиликлари

ЮЛИЯ МАРРАДА БИРИНЧИ

Тошкент денгизда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича ўтказилган мамлакат очиқ чемпионатида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистондан келган жами юз нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синашди. Хотин-қизлар ўртасида байдаркада эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Юлия Борзовага тенг келадигани топилмади. Тажрибали спортчимиз 200, 500 ва 1000 метрга ўтказилган беллашуларда маррага биринчи келиб, учта олтин медалга сазовор бўлди. Мазкур масофаларга эркаклар ўртасида ўтказилган пойғаларда Алексей Бобожинов, Владимир Осокин ва Сергей Борзов голиб чиқди. Каноэда эшак эшиш бўйича Осиё чемпиони Вадим Меньков ҳам мухлис мутахассислар ишончини оқлади. Дунёнинг энг кучли эшак эшувчилари қаторидан жой олган ҳамюртимиз 500 ва 1000 метрга ўтказилган баҳсларда мамлакат чемпионлигини кўлга киритди. Терма жамоамизнинг яна бир аъзоси — Герасим Кочнев 200 метр масофани ҳаммадан тез босиб ўтди.

ТОШКЕНТЛИКЛАР — ЧЕМПИОН!

Республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида кассон нафардан зиёд спортчи голиблик учун куч синашди. Қизлар ўртасидаги беллашуларда уч нафар шахматчи — тошкентлик Елена Вербова, навоийлик Мохинур Қахрамонова ҳамда самарқандлик Фариди Хурсанова

Баҳор катралари САВОБ

Уйқудан барвақт турган Алим томорқасида қуриб қолган мевали дарахтнинг тагига келди. Мақсади: ноҳушга қадар дарахтнинг тагида қовлаб тезроқ қулатса. Апил-тапил иш бошлади. Чўқурни қазиб, отаси ҳаётлигида бир тўнанинг атрофини кенгроқ олиб, яйраб-яйраб ишлагани ва нималар деганини эслади: «Дарахтнинг баракали хосили учун ер тагида ишлайвериб чойир торган илдизларнинг тозалаб олингани маъқул. Илдизлар сумалак пиширувчиларга жуда қулай. Чўки алангаси зўр». Бундан руҳланган Алим дарахт тагини кенгроқ қовлай бошлади. Бағрикенглик билан меҳнат қилганидан қуриган дарахтдан тезроқ кутулди. Унинг янги ўрик қўчатини экиш учун кенжаёт ўғлини ёрдамга чақирди. Уғли қўчатни ушлаб турди. Алим қўчат тагига сув қўйиб, чўқурига тулроқ тортаркан яна отасини эслаб, уни кўз олдига келтираркан, дилдан ўтказди: Ушанда Сиз қўчатни экаётганингизда мен ушлаб

Терма жамоамизнинг муваффақияти

Таиландда футбол бўйича аёллар ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида саралаш турнири Ўзбекистон терма жамоасига муваффақият келтирди. Иордания, Мальдив ороллари, Қирғизистон ва Фаластин терма жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллаган ҳамюртларимиз Мальдив ороллари ҳамда Фаластин терма жамоаларини бир хил 5:0 ҳисобида мағлуб

Баҳор катралари САВОБ

турувдим. Энди мен экаяпман, ўғлим ушлаб турибди. Бир кун ўғлим ота бўлса чеварангиз ушлаб туради. Сўнг яна... Ҳа, отажон, зурёдларингиз баҳраманд бўлаётган ширин-шакар мевалардан Сизга тегаётган савоб ҳам занжирдек узилмас давомлидир. — Сабаб? Сувини берсам, тагини чопсам... — дарахтларини айбдор қилади у. — Қўчатни қанча кўп эксам, шунча кўп ҳосил оламан, деб ўйлагансан-ов, биродар. Одам юрса адашиб қоладиган чакалакка ўхшайди боғинг. Ёшроқ қўчатларни амаллаб бошқа жойга ўтказилса, қолганлари яйраб ҳосилга кирармиди. — Ортикча жой йўқ-де. — «Ундай бўлса қўшинларингга бер. Савоб ҳам керак» демоқчи бўлман-у журъатим етмайди. Бу ҳақда ўзидан бир фикр чиқармакчи, дейман. — Сизда азоб чеккандан кўра ортиқчасини кесақол. — Кўзим қиймапти. — Юраги юлиниб кетаётгандек бўлашади у. — Эй биродар, зич дарахтларинг бир-бири билан ҳаво, қуёш нурини таллашиб, ҳосил бермоққа дармонсизлигидан хабаринг борми?! Хўв анави режали боғдан хулоса чиқарсанг-чи. Хар йили бодроқдек гуллаб, ҳосил туғиши, бу боғда баҳорнинг ҳам чиндан-да қулиши боғбинининг бағри кенглигидан эмасми? — дегим келади бағри тор боғбонга. Ғани АБДУЛЛАЕВ

МУНОСИБЛАР ГОЛИБ БЎЛДИ

Тошкент шаҳар Маданият ва санъат кўргазмалар залида «Камалак жилоси» расмлар кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистондаги Миср Араб Республикаси элчихонаси қошидаги маданият маркази, Ўзбекистон Бадий академияси, Халқ таълими вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан» Республика болалар жамғармаси ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган ушбу танлов ўсиб келаятган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ақлан етуқ, жисмонан бақувват этиб тарбиялаш йўлида олиб борилаётган саъй-харақатларнинг яққол намунаси. «Камалак жилоси» расмлар кўрик-танлови 1997 йилдан буюн анъанавий тарзда республикадаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказиб келинади. Мазкур танлов болаларни санъат ва маданиятга бўлган қизиқишларини янада ошириш, иқтидорлиларини аниқлаб рағбатлантириш ҳамда уларда тасвирий санъат ва бадий ижодга бўлган иштиқни орттириш- да муҳим аҳамият касб этади. — Танловда тасвирий санъат йўналишидаги «Мен севган гўша» номли асарим билан иштирок этдим ва биринчи ўринни олдим, — деди Тошкент шаҳар 24-сонли меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Лазиз Абидов. — Мен расм чизиб билан бирга китоб ўқишга, шеър ёдлашга жуда қизиқаман. Ҳар хил тўғарақларга қатнайман, шу билан бирга спортнинг қаратэ тури билан ҳам шуғулланаман. Ушбу кўрик-танловда Республикадаги меҳрибонлик уйлари уч минг нафар тарбияланувчиларидан 1500 нафари иштирок этиб, вилоят босқичларида голиб деб топилган 130 дан ортиқ акварел расмлар ҳамда 70 дан ортиқ амалий санъат асарлари кўргазмага тақдим этилди. Унда болажонлар тасвирий ва амалий санъат асарлари йўналишларида ўз ижод маҳсуллари билан иштирок этди. Шунингдек, кўргазма доирасида Тошкент шаҳрининг барча меҳрибонлик уйларидаги иқтидорли тарбияланувчилари ўртасида тезкор расмлар кўрик-танлови ташкил этилиб, расмлар тадбир довомида хайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва голиблар аниқланди. Хайъат аъзолари томонидан 4-10 ва 10-16 ёшдаги болажонлар орасидан 12 нафари амалий санъат ва тасвирий санъат йўналишида биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни кўлга киритди. Бундан ташқари, «Энг яхши асар», «Моҳир кўлар» соҳибини учун уч нафар голиб аниқланди. Шунингдек, «Эркин ижро учун», «Замонавий талқин учун», «Оригинал гоё учун» каби йўналишларда тўққиз нафар болажонлар рағбатлантирилди. Голиблар махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ЭНГ ЯХШИ ЧОРА — ПРОФИЛАКТИКА

Оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, дунёнинг айрим мамлакатларида тарқалган АН1N1 штамми инфекция ўпиб одамларнинг умрига зомин бўлган.

Ушбу касаллик юртимизга кириб келишининг олдинчи оғиш бора-бора кўриляётган қатъий чоратadbирлар натижасида грипнинг бу янги тури билан боғлиқ бирорта ҳам ҳолат қайд этилмади. Шунга қарамай, тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан бу хасталик вирусининг республикамиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бора-бора кўриляётган чора-таadbирлар янада кучайтирилди. — Жойлардаги санитария назорати пунктлари ва даволаш муассасалари шифокорлари тегишли идоралар ходимлари билан ҳамкорликда чегара станциялари орқали мамлакатимизга кириб келаятган ҳар бир поезд йўловчиларининг соғлигини назоратдан ўтказмоқда, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси марказий санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори Бахтиёр Умрақов. — Шу қўнғача йўловчилардан бирортасида ҳам юқумли касалликлар аломати аниқланмади.

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Жорий йилнинг ёз фаслида футбол бўйича клублар ўртасида биринчи марта Осиё чемпиони мусобақалари Эроннинг Исфохон шаҳрида бўлиб ўтади. Китъамизнинг футбол ривожланган 10 та давлати чемпиони ўртасида ташкиллаштиралиётган ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини Ўзбекистон чемпиони — Зарафшоннинг «Строитель» жамоаси ҳимоя қилади. Қуни кеча Исфохон шаҳрида футбол бўйича клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида қуръа ташлаш маросими ўтказилди. Унга кўра ҳамюртларимиз «А» гуруҳида Эроннинг «Фулад Мокан», Япониянинг «Нагая Оушен», Қирғизистоннинг «АББ Олтин-Тош» ва Ироқнинг «Наврўз» жамоаларига қарши кураш олиб боришади. Гуруҳларда 1,2-ўринларни эгаллаган энг кучли жамоалар ярим финал баҳсларида беллашиш ҳуқуқига эга бўлишади. (Ўз мухбиримиз)

ТУРФА ОЛАМ

• Кўпчиликни хайратта солиш учун одамлар нималар қилмайдилар, дейсиз? Калифорниялик Роберт Фостер сув остида ўн уч дақиқа-ю, қирқ икки соғина туриб бериб, тўпаланларнинг олқишларига сазовор бўлди. • Мияда амалга ошириладиган амаллар тезлиги бўйича ҳинд йилти Марр Харри Прасад дунё бўйича биринчиликни кўлдан бой бермай келаятир. У бир дақиқа-ю, 45 сония ичида 732919 сонининг квадрат илдизини ҳисоблаб чиқарган. • Девоқларни туздан бунёд бўлган уй ҳақида эшитганимиз? У Саҳрои Кабирда Тегази шаҳрида жойлашган. Бунга сабаб эса бу ер сайёранинг энг қуруқ ҳудуди ҳисобланади. Асосийси эса у ердаги деворларга ёғир хавф соймайдилар. • БМТ экспертларининг тайёрлаган маърузасидан қуйидагиларни билиб олиш мумкин. 2010 йилга келиб Ер аҳолиси 7 миллиард кишига етishi, 2050 йилга бориб эса улар 9 миллиардни ташкил қилиши маълум қилинган. Қашшоқ 49 мамлакат аҳолиси шу аср ўрталарида бориб икки баробарга кўпаяди. Одамлар ўсишини Ҳиндистон, Покистон, Ни-

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Эълолар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3752 нусxada босилади. Қўнғ бичими А-2. Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарқ» нашрий-матбо ақциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй. 2 5 6. Топширилган вақти: 13.15